

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ****160 Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом-
га қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2444-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2015 йил 24 февралдаги 32-сон «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танлови тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 31 январдаги 195/4-сон қарори (рўйхат рақами 2444, 2013 йил 25 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 13-сон, 170-модда) билан тасдиқланган Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис**А. ЮСУПОВ**

Тошкент ш.,
2015 йил 20 март,
214/5-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2015 йил 20 мартдаги 214/5-сон қарорига
ИЛОВА

**Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган қўшимчалар**

1. 10-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танловининг республика босқичи ғолибининг фахрий дипломи профессор ёки доцент илмий унвонларни бериш учун нашр этилган дарсликларга, ўқув қўлланмаларига, илмий мақолаларга эга бўлиш бўйича талабларнинг бажарилганлигига тенглаштирилади.».

2. 12-банднинг «г» кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ҳар бир таълим соҳаси бўйича номинацияларда 1-ўринни эгаллаган «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танловининг республика босқичи ғолиблари 3 йил мобайнида тегишли лавозимда вазифани бажариб турувчининг бир йиллик муддатини ўтамасдан профессор илмий унвонини олиш учун ОАКга ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга;».

3. 17-банднинг «в» кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ҳар бир таълим соҳаси бўйича номинацияларда 1-ўринни эгаллаган «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танловининг республика босқичи ғолиблари 3 йил мобайнида тегишли лавозимда вазифани бажариб турувчининг бир йиллик муддатини ўтамасдан доцент илмий унвонини олиш учун ОАКга ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга;».

4. Мазкур қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси билан келишилган.

*Маданият ва спорт
ишлари вазири в. в. б.*

Б. АХМЕДОВ

2015 йил 27 февраль

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

А. ВАҲАБОВ

2015 йил 27 февраль

160-модда

— 36 —

13 (669)-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

2015 йил 27 февраль

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2015 йил 27 февраль

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

Ш. ТЕШАЕВ

2015 йил 27 февраль

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2015 йил 27 февраль

*Фанлар академияси
президенти*

Ш. САЛИХОВ

2015 йил 27 февраль

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш қўмитаси раиси*

Ш. САЛИХОВ

2015 йил 27 февраль